

## Қ А Р О Р

2024 йил ноябрь ойининг 19 куни, Тошкент вилоят жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди, ўз биносида, ВКА тартибидаги очик суд мажлисида, судья Б.Султановнинг раислигида,

судья ёрдамчиси И.Бобокуловнинг котиблигида, тарафлардан вояга етмаган жабирланувчи Г.Байбекова ва унинг қонуний вакили Н.Худайберганаовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 41<sup>1</sup>-моддасининг 1-қисми билан К.Курбановга нисбатан тўпланган 3-1101-2404/5237-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

**Курбанов Каримжон Хажиакбар ўғли**, 1990 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Юсуф Саккокий” МФЙ, Ю.Саккокий 2-тор кўчаси, 5-уйда истиқомат қилади.

Суд, ҳуқуқбузарларнинг кўрсатувларини тинглаб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

К.Курбанов 2024 йил 17 октябрь куни соат 14:20 ларда вояга етмаган жабирланувчи Г.Байбековани уст қиймларини ечиб бўлиб, шахвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракат қилиб, шахвоний шилқимлик қилган.

Суд ҳуқуқбузар К.Курбанов қилмишига иқрорлик билдириб, ҳақиқатан ҳам 2024 йил 17 октябрь куни соат 14:20 ларда автомашинасида Тошкент вилояти Янгийўл туманидан Тошкент вилояти Зангиота тумани томонга ҳаракатланиб келаётиб йўл четидан кетаётган вояга етмаган қизни кўриб, ундан Зангиота тумани Бўс сув худудига қандайборилишини сўраганлигини, Г.Байбекова унга йўл кўрсатишини айтиб унинг автомашинасига ўтирганлигини, Г.Байбекова билан йўлнинг маълум бир қисмига етиб борган вақтида автомашинасида йўл четига тўхтаб кучли ажонда Г.Байбековани уст қиймларини ечиб, уни ўпмоқчи бўлганлигини, шу вақтда Г.Байбекова унинг автомашинасидан тушиб қочиб кетганлигини, қилган ишидан пушаймондалигини, бу ҳол бошқа такрорланмаслигини билдириб, суддан енгиллик беришни сўради.

Суд вояга етмаган жабирланувчи Г.Байбекова, ҳақиқатан ҳам 2024 йил 17 октябрь куни соат 13:20 ларда ўқув машғулотларидан сўнг уйига кетаётган вақтида К.Курбанов автомашинасида келиб ундан Бўс сув худуди томонга йўл кўрсатишини сўрабганлигини, К.Курбановнинг автомашинасида Тошкент вилояти, Зангиота тумани, “Саккиз том” МФЙ худудида етганда тохтаб ундан ёзшини сўраб унга тегажолик қилиб, унинг кўкрак соҳасини ушлаб снг уни қиймларини есмоқчи бўлганлигини, у бундан кўрқиб бақириб, К.Курбановнинг автомашинасидан тушиб қочиб кетганлигини билдириб, ҳуқуқбузар К.Курбановга нисбатан қонуний жазо тайинлашни сўради.



Суд ҳуқуқбузарларнинг кўрсатувларини тинглаб, электрон шаклда тақдим қилинган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳужжатларини тўлиқ ўрганиб чиқиб, ҳуқуқбузарнинг судда аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари иш ҳужжатларида мавжуд бўлган – маъмурий баённома, ариза, билдирги, тушунтириш хатлари ҳамда ишдаги бошқа объектив далиллар билан тўлиқ тасдиқланди деб ҳисоблайди.

Суд ҳуқуқбузар К.Курбановнинг ҳаракатлари – “Шаҳвоний шилқимлик қилиш, яъни шахсга нисбатан унинг учун номақбул бўлган ҳамда унинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлайдиган, шаҳвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатларни бир марта кўпол равишда ёки бир неча марта содир этиш” маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси МЖТК 41<sup>1</sup>-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд ҳуқуқбузар К.Курбановга нисбатан жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасидаги раҳбарий нормалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли Қароридаги тушунтиришлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 31, 32-моддаларида кўрсатилган жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини, ҳуқуқбузар К.Курбановнинг шахсини, содир қилинган маъмурий ҳуқуқбузарлик ижтимоий хавфлилик даражасини, ҳуқуқбузарлик ҳаракатига иқрорлигини, ҳозирда содир этган қилмишидан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатини тўлиқ тушуниб етганлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, унга нисбатан ҳуқуқбузарлик моддасида назарда тутилган маъмурий қамоқ жазосини тайинлашни;

-шу билан бирга К.Курбановни Тошкент вилоят ИИББ Махсус қабулхонасида сақлаш харажатларини қоплаш мақсадида ундан Махсус қабулхона фойдасига ҳар бир сақланган кун учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқдорида пул ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 245, 309-311-моддаларига риоя қилиб, суд

## Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

**Курбанов Каримжон Хажиакбар ўғли** Ўзбекистон Республикаси МЖТК 41<sup>1</sup>-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир қилган деб топилсин ва унга **5 (беш)** сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлансин.

Маъмурий қамоқ жазосини ижроси Тошкент вилоят Зангиота туман ИИБ ва Тошкент вилоят ИИББ Махсус қабулхонаси зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 19 ноябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ҳисоблансин.

К.Курбановнинг Тошкент вилоят ИИББ Махсус қабулхонасида сақлаш харажатларини қоплаш мақсадида ундан Махсус қабулхона фойдасига ҳар бир



сақланган кун учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **15 фоизи** миқдорида, яъни **228.750 (икки юз йигирма саккиз минг етти юз эллик)** сўм ундирилсин.

Қарордан норози тарафлар қарор ўқиб эшиттирилган кундан эътиборан ўн сутка ичида, ҳуқуқбузарлар эса уларга қарорнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан худди шу муддатда апелляция тартибида, ушбу муддат ўтиб кетган тақдирда, қарор чиқарилган кундан эътиборан олти ой ичида кассация тартибида шу суд орқали Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят, прокурор эса протест бериши мумкин.

**Раислик қилувчи**

**(имзо)**

**Б.Султанов**

**Аслига тўғри:**

